

*Ташкилот номи:* Адлия вазирлиги юридик техникумлари  
*Таркибий бўлинма номи:* Факультет (деканат)  
*Танлов босқичи:* Суҳбат

*Савол йўналиши:* Лавозим касб фаолиятига боғлиқ қонунчилик соҳаси (10 та казус)

1. Навоий вилояти юридик техникуми ўқувчиси А.Ахадов техникум маъмуриятига техникумдаги ўқишини тиклаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Техникум маъмурияти ўқувчи А.Ахадовнинг аризасига ўқиши билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни илова қилган ҳолда ТДЮУга хulosса олиш учун тақдим етди.

ТДЮУ томонидан Навоий вилояти юридик техникумининг хатига жавобан ўқувчиларни ўқишга тиклаш учун олий таълим муассасасининг хulosаси керак емаслигини бевосита тегишли профессионал таълим муассасаси томонидан ариза қўриб чиқилиб ҳал етилиши мумкинлигини тушунтирилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо bering.

2. 5. Хоразм вилояти юридик техникуми ўқувчиси А.Ботиров 2019-2020 ўқув йилида 1-семестрдан 1 та фандан ва ўқув йили якуни натижалари бўйича жами 3 та фандан академик қарздор бўлиб қолди.

Семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор таълим олувчилар рўйхатида ўқишидан четлаштирилди.

Бундан норози бўлган ўқувчи А.Ботиров Хоразм вилояти юридик техникуми директорининг буйруғини ноқонуний деб хисоблаб юқори турувчи органга мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо bering.

3. Фуқаро Д.Ғаниева юридик техникумга табақалаштирилган контракт асосида ўқишига қабул қилинди. 1-курсда контракт суммасини табақалаштирилган контракт асосида ўқишига қабул қилинганигини, контракт суммасини тўлаганлигини ва ушбу тўлов асосида 2-курсни ҳам битиришини айтиб 2-курс учун контракт тўлашни рад етди. Юридик техникум директори табақалаштирилган контракт миқдори ўқишининг биринчи ўқув йилида қўлланилишини, 2-курс учун контракт суммаси алохида тўлланишини тушунтириди.

Юридик техникум директорининг ҳаракатлари қонунийми?

4. Юридик техникум ўқувчиси А.Алимов кредитлар миқдори (ГПА) ўтиш балини тўплай олмаганлиги сабабли юридик техникум директорининг буйруғига асосан талабалар сафидан четлаштирилган.

Юридик техникумда академик қарздорлиги бор таълим олувчилик ўқишидан четлаштириладими? Ҳукуқий жиҳатдан асослантирилган.

5. Фуқаро Н.Комилов Бухоро вилояти юридик техникумига контракт асосида ўқишига кириб 1 курсни тамомлаган. Оилавий шароити ёмонлиги сабабли 2021 йил 12 сентябр куни 2-курсда ўз хохишига кўра талаббалар сафидан чиқаришини сўраб ариза билан техникум директорига мурожаат қилган.

N.Комиловнинг аризаси асосида техникум директори Н.Комиловни ўқувчилар сафидан четлаштириш тўғрисида буйруқ чиқарган

N.Комилов техникум директорига 2021 йил 5 октябр куни ўқишига тиклаш ва сиртқи шаклига қўчириш юзасидан ариза билан мурожаат қилган. Техникум директори ўқишига тиклаш ва бир шаклидан бошқасига ўтказиш Адлия вазирлигининг рухсати асосида амалга оширилишини важ қилиб N.Комиловнинг мурожаатини рад етган. Техникум директорининг мурожаатни рад етиши асослими?

6. Фуқаро Ҳ.Умарова юридик техникумга контракт асосида ўқишига қабул қилинган. Ўқув йилининг 1-курс контракт суммасининг биринчи ярим йиллигини тўлаган. Н.Умарова кам таъминланган оиласдан еканлиги, шунингдек, онаси 1-гурух ногирони бўлганилиги сабабли ўқишини grant асосида давом етиришини сўраб техникум маъмуриятига ариза билан мурожаат қилган. Техникум маъмурияти унинг аризасини қаноатлантира олмаслигини тушунтириб ариза юзасидан Ҳ.Умаровага тушунтириш берди.

Ўқувчи Ҳ.Умарованинг мурожаати асослими? Вазиятга ҳуқуқий баҳо bering.

7. Юридик техникумнинг “Суд ҳуқуқий фаолият” йўналишидаги мавжуд 12 нафар ўқувчи “Суд ҳуқуқий фаолият” йўналишини “Давлат ҳуқуқий фаолият” йўналишига ўзгартиришни сўраб мурожаат қилган. Юридик техникумнинг директори томонидан ушбу masala юзасидан Адлия вазирлигига ариза билан мурожаат қилишлари кераклиги тушунтирилган.

Маскур вазиятга ҳуқуқий ечим bering.

8. Самарқанд вилояти юридик техникумда 2019-2020-ўкув йилида биринчи курс кундузги таълим шаклида нотариат йўналиши бўйича ўқишига қабул қилинган ўқувчи Ш.Шоимова 2020 йил 20 май санасидан бошлаб туғруқ таътилига чиқди. Бу тўғрисида Самарқанд вилояти юридик техникумига

маълум қилди. Туғруқ таътилида бўлганлиги сабали ўқувчи Ш.Шоимова якуний аттестация имтихонларида иштирок ета олмади.

Самарқанд вилояти юридик техникуми директорининг буйруғига асосан ўқувчи Ш.Шоимованинг якуний аттестация имтиҳонларида иштирок етмаганли сабали ўқишида четлаштирилди.

Туғруқ таътилидан 2020 йил сентябрда қайтган ўқувчи Ш.Шоимова узрли сабаби мавжудлиги учун якуний аттестация имтиҳонларини топширмоқчилигини айтганида техникум маъмурияти томонидан унинг ўқишидан четлаштирилганлиги ва ўқишига тикланиш учун ариза билан мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо bering.

9. Тошкент вилояти юридик техникумидан 2020-2021-ўкув йилининг 2-семестри якунида 27 май куни 2-курс “Давлат хизматлари” йўналиши ўқувчиларидан фуқаролик ҳуқуқи фанидан якуний назорат имтиҳони олинди. Имтиҳонни бошлашдан олдин аудитория кузатувчиси томонидан ўқувчиларга барча тартиб ва қоидалар тушунтирилди.

Тушунтиришга қарамасдан ўқувчи А. ва ўқувчи Б.лар қоғоз шаклдаги шпаргалкалардан имтиҳонда фойдаланишни бошлаган вақтда аудитория кузатувчиси томонидан шпаргалкалар олиб қўйилди ва уларга огоҳлантириш берилиб яна шу каби ҳолатлар такрорланса далолатнома тузилиб имтиҳондан четлатилиши мумкинлиги такрор тушунтирилди.

Ўқувчи Б. огоҳлантиришларга қарамасдан бироз вақтдан сўнг уяли алоқа воситасидан имтиҳонда фойдаланаётган ҳолатда қўлга тушди ва далолатнома тузилиб имтиҳондан четлаштирилди.

Ўқувчи Б. бундан норози бўлиб, имтиҳондан четлаштирилишини ноқонуний деб ҳисоблади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо bering.

10. Сирдарё вилояти юридик техникумининг 2020-2021-ўкув йилида текширилган якуний назорат ишлари ТДЮУ ходимлари томонидан қайта текширилганда меҳнат ҳуқуқи фанидан якуний назорат ишига қўйилган баллар асоссиз юқори қўйилганлиги маълум бўлди.

Ҳолат юзасидан тегишли тартибда баённома расмийлаштирилди ва меҳнат ҳуқуқидан якуний назорат ишларини текширган педагог ходимга нисбатан интизомий жазо чораси кўриш бўйича ТДЮУ томонидан юридик техникум директорига тақдимнома киритилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо bering.